"FARG'ONA SUV TA'MINOT. MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
OLTIARIQ TUMAN BO'LIMI
№ 50
2022 y "26" 10
151200, Guliston ko'chasi 3-uy

"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Олтиариқ тумани Повулғон МФЙ худудида яшовчи 1321 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Олтиариқ тумани Повулғон МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 158 м^3 хисобланиб, **уланиш нуқтаси.** Повулғон МФЙ худудига 1 дона янги тик ичимлик сув қудуғи қазиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш(электр жихозлари) хамда қувур материали-полиэтилен бўлган диаметри Ø 76 мм.дан – 110 мм.гача лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув
объектлари лойиҳа-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Олтиариқ туман бўлими Бош мухандиси: **Ғ.Сатторов**

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Олтиариқ туман бўлими ИЧБ мухандиси: **М.Махаммаджонов**

Сканировано с CamScanner